

---

## Қува туман ободонлаштириш бошқармасида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Туманимизнинг қай бир ерига борманг шу кунларда “8 март – Халқаро Хотин-қизлар куни” байрами кенг нишонланмоқда.

Жумладан туманимизнинг ободончилиги ва кўкаламзорлаштирилишига, туманимизни боғ ичидаги кўркем бир гўшага айлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган Норматжон Абдуллаев раҳбарлигидаги туман ободонлаштириш бошқармасининг гўзал хотин\*-қизлари учун байрам тадбири бўлиб ўтди.

Дастлаб соҳада самарали меҳнат қилиб келаётган меҳнаткаш ҳодимлар муносиб тақдирланди. Шундан сўнг туман Маданият арказида ташкил этилган концерт дастурида ишчи ҳодимлар мароқли ҳордиқ чиқардилар.

Тадбир давомида туман сектор раҳбарлари сўз олиб, уларнинг самарали меҳнатларини улуғлаб ўз миннатдорчиликларини билдирди. Шунингдек сектор раҳбарлари томонидан байрам совғалари топширилди.

Яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин азиз аёллар!

2022-03-05 16:28:12